

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

МАҲМУД НАЖИМОВ

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ

(ташкилий - услугий кўрсатмалар, маъруза ва семинар машғулотлари режалари,
курс иши ёзиш бўйича услугий кўрсатмалар, тест саволлари)

ЎҚУВ - УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2006

Тошкент Давлат юридик институти Ўқув-услубий кенгашининг қарорига
кўра нашрга тавсия этилди. (2006 йил 23 февраль 3-сонли баённома)

Нажимов М. Давлат ва ҳукуқ
назарияси / Ўқув-услубий қўлланма
–Т.:ТДЮИ, 2006. – **196 б.**

Масъул муҳаррир:

З.М.Исломов
юридик фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

М.А.Ахмедшоева
юридик фанлари номзоди, доцент

Б.И.Исмоилов
юридик фанлари номзоди

Мазкур ўқув-услубий қўлланма “Давлат ва ҳукуқ назарияси” фани ўқув курсининг дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда маъруза ва семинар машғулотлар режалари, курс иши ёзиш бўйича услугубий кўрсатмалар, тест саволлари ва фанни чуқурроқ ўрганиш учун ҳар бир мавзу бўйича адабиётлар рўйхати ўз ифодасини топган. Ўқув-услубий қўлланмани тайёрлашда мамлакатимизда ва хорижда эълон қилинган юридик адабиётлардан фойдаланилган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма олий юридик ўқув юртлари ўқитувчилари ва талabalariiga мўлжалланган.

© М.К. Нажимов, 2006

К И Р И Ш

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлатни шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги даврда, давлат ва хуқуқ ҳодисаларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Маълумки, “Давлат ва хуқуқ назарияси” фани давлат ва хуқуқ ҳодисаларини ўрганувчи асосий фанлардан бўлиб, у юридик фанлар тизимида марказий ўринни эгаллайди ва бошқа барча юридик фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур фанни ўқитишдан мақсад, давлат-хуқуқ масалалари тўғрисидаги тушунча ва категорияларни ўрганиш, давлат ва хуқуқни ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи асосий коида ва тамойилларини ўзлаштириш ҳамда умумназарий билимларнинг амалий фаолиятдаги аҳамиятини англашдан иборат.

Фундаментал фан сифатида - “Давлат ва хуқуқ назарияси” ўқув курсини ўрганар эканмиз, уни нафақат юридик фанлар билан, балки, фалсафий, иқтисодий ва сиёсий фанлар билан ҳам узвий алоқада эканлигини кўрамиз.

“Давлат ва хуқуқ назарияси”нинг фундаментал ва методологик фан сифатида талабалар учун аҳамияти шундаки, бу фан давлат ва хуқуқни вужудга келиши ҳамда ривожланишининг умумий қонуниятларини, давлат тушунчаси, белгилари, типлари ва моҳияти, давлат шакллари, функциялари, давлат ҳокимияти, механизми, хуқуқ тушунчаси, моҳияти, белгилари, принциплари, функциялари, фуқаролик жамияти ва хуқуқий давлат каби давлат-хуқуқий тушунча ва категорияларни илмий билиш учун асос бўлиб хизмат килади. “Давлат ва хуқуқ назарияси” фани бўлажак хуқуқшуносларни давлат ва хуқуқка оид энг муҳим назарий билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки уларнинг умумий хуқуқий онги ва хуқуқий маданияти даражасини ҳам юксалтиради.

Давлат ва хуқуқ назарияси фанидан дарс машғулотлари олий юридик ўқув юртларининг 1-курс талабаларига бир ўқув йили давомида ўтказилади. Дарс машғулотлари асосан, маъруза, амалий машғулотлар, мустақил таълим, курс иши ва таълим беришнинг бошқа замонавий шакллари ёрдамида амалга оширилади. Талабалар бунда тавсия этиладиган ўқув ва монографик-илмий адабиётлар ҳамда норматив ҳужжатлар билан ишлашни пухта ўзлаштирган бўлишлари талаб этилади.

Давлат ва хуқуқ назарияси ўқув фани бўйича тайёрланган мазкур ўқув-услубий қўлланмаси ҳам Тошкент Давлат юридик институтида тасдиқланган ўқув дастурига ва давлат таълим стандартларига мос равишда тайёрланган бўлиб, у талабаларни давлат ва хуқуқ назарияси ўқув курсини чуқур ўзлаштиришларига ёрдам беришга қаратилган.

Ўқув-услубий қўлланма ўз ичига фанни ўзлаштириш бўйича ташкилий-услубий кўрсатмалар, ўқув дастури, семинар машғулотлари режаси, маъruzалар, мустақил ишлар ва уларни ўтказиш ҳамда тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмалар, тест саволлари, курс иши мавзулари ва уни ёзиш бўйича кўрсатмалар, мавзулар бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхатини қамраб олган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмасида баъзи камчиликлар учраши ва айrim масалалар ёритилмаган бўлиши мумкин. Китобхонлар ўқув-услубий қўлланманинг сифатини яхшилаш борасида ўз мулоҳазаларини билдириб, унинг кейинги нашрлари янада мукаммал бўлиб чиқишига ёрдам берадилар деган умиддамиз.

Фаннинг ўқитилишидан мақсад ва вазифалар

«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанини ўқитишдан мақсад талабаларда, давлат ва ҳуқуқни инсон ва жамиятга нисбатан фаолиятининг моҳияти, ижтимоий қиммати ва аҳамияти ҳақида илмий дунёқарашни ҳамда уларнинг кейинги давлат ҳуқуқий фаолиятларида норматив ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш маҳоратини, ижтимоий муаммоларни шахс ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб ва давлат-ҳуқуқий нуқтаи-назарида туриб ҳал этиш укуви ва малакасини шакллантиришдан иборат. Бундан ташқари “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” маърифий ва тарбиявий вазифаларни бажариб, замонавий ижтимоий сиёсий ҳаётда ижобий ҳулқ атворни шакллантиришга ёрдам беради.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани шунингдек, шахс ва давлатнинг ўзаро нисбати, ҳокимият ва бошқарув органлари, мансабдор шахслар билан ўзаро муносабатлар, ҳуқуқий маданият даражасини ўстириш масалаларида ғоявий-ахлоқий нуқтаи-назар ва ишонтиришни шакллантириш ҳамда тарбиялаш **вазифаларини** бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, уқувига ва қўникмаларига ДТС га мувофиқ қўйилган талаблар

Бакалавр:

- “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”ни ижтимоий ва юридик фанлар тизимидағи ўрни, унинг предмети, ҳуқуқшуноснинг касбий-ҳуқуқий онгини шакллантиришдаги роли;
- юриспруденция соҳасида қўлланиладиган тушунчалар ва категориялар тизими;
- давлат-ҳуқуқий таълимотлар ривожланишининг асосий йўналишлари ва истиқболлари, таниқли ҳуқуқшунос олимларнинг илмий изланишларининг асосий мазмуни;
- давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва ҳозирги даврдаги моҳияти тўғрисидаги асосий қонуниятлар;
- давлат ва ҳуқуқнинг жамият сиёсий тизими ва жамият ҳаётидаги роли;
- давлат ва ҳуқуқнинг ҳозирги ривожланишига таъсир қилувчи асосий омиллари тўғрисида **тасаввурга эга бўлиши керак**.

Бакалавр:

- ҳозирги даврда жамиятни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида давлатнинг ўрни ҳақидаги назарий билимларни;
- ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишида ҳуқуқ назарияси ҳақидаги билимларни;
- давлат органларини ташкил этиш ва фаолиятини амалга оширишга оид тамойилларни **қўллай олиши керак.**

Бакалавр:

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш ва қўллаш;
- амалдаги қонунчиликни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;
- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституцияга ва халқаро-ҳуқуқий стандартларга мос келиши бўйича мониторинг ўтказиш;
- қонун доирасида қарорлар қабул қилиш ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш;
- ҳуқуқшуносликка оид адабиётларни мустақил ўрганиш ва таҳлил қила олиш;
- давлат ва ҳуқуқ назариясининг долзарб муаммолари бўйича ўзининг фикрини мустақил, тўғри ва асосланган ҳолда ифода этиш **юзасидан қўнималарга эга бўлиши керак.**

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини ўқитиши шакллари

Мазкур фанни ўрганиш ўқитишининг анъанавий ва илғор услублари, жумладан, маъруза, семинар машғулотлари, мустақил иш, экспресс сўровлар, тест сўровлари, дастурий ўқитиши, ақлий хужум, дебат, давра сухбатларини ўтказиш, коллоквиумлар, муаммоли ўқитиши, техник воситаларни қўллаш, юридик клиника, замонавий ахборот технологиялари (интернет сайtlари, дарслик ва қўлланмаларнинг электрон шакллари) ва бошқа шакллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

ТАШКИЛИЙ УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Олий юридик ўқув юртларида давлат ва ҳуқук масалалари анъанавий тарзда алоҳида назарий фан ва ўқув предмети - "Давлат ва ҳуқук назарияси" доирасида ўрганиб келинади. Мазкур фан ўзининг методологик ва назарий асос сифатидаги хусусиятлари билан бутун юриспруденция тизимида ажралиб туради.

Давлат ва ҳуқук назарияси фани давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, ривожланиши ва мавжуд бўлиши ва истиқболига оид энг умумий қонуниятларни ўрганади, уларни илмий талқин этади ҳамда илмий таъриф ва тавсифини яратади.

Ҳар қандай фан тадқиқот предметини белгилаб, ўрганилаётган ҳодисанинг фақат асосий ва зарурый томонларига эътибор қаратади. Давлат ва ҳуқук назарияси учун жамиятнинг давлат ҳуқуқий ҳаёти тавсифи ва асосий ҳодисалари муҳимдир. Махсус ва тармоқ юридик фанларидан фарқли ўлароқ, бу фан давлат ва ҳуқук ҳодисаларини яхлит ўрганади ва тармоқ ҳамда махсус фанларни умумлаштирувчи тушунча ва категориялар билан қуроллантиради.

Давлат ва ҳуқук бошқа ижтимоий ҳодисалар сингари муайян ривожланиш қонуниятларига эга. Давлат ва ҳуқук назарияси ўз олдига бутун давлат-ҳуқуқий тизимини қамраб олувчи энг муҳим қонуниятларни ўрганишни мақсад қилиб қўяди(давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиш ва ривожланиши қонуниятлари, давлат аппарати шаклланиши ва фаолият юритишининг тамойиллари, давлат шакли ва бошк.).

Давлат ва ҳуқук назарияси фани предмети давлат ва ҳуқуқни ўз ичига олади. Бу икки ҳодисанинг бир фан доирасида ўрганилиши уларнинг ўзаро мустаҳкам боғланганлиги билан изоҳланади. Давлат ҳуқук ижодкорлигининг асосий субъекти сифатида ўзининг мажбурлов кучи билан ҳуқуқни ҳимоя қиласи.

Давлат ва ҳуқук ижтимоий алоқалар тизимида ҳаракат қилиб, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, мафкуравий муносабатлар таъсирида бўлади ва уларга акс таъсир қиласи. Бу алоқалар мазмuni ва хусусиятини ўрганмасдан туриб, давлат-ҳуқуқий тизимидағи кўп масалаларни англаб етиш қийин. Шу сабабли, давлат ва ҳуқук назарияси фанида давлат ва ҳуқуқнинг ривожланиши, жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни ва роли каби масалаларни ўрганишга кўпроқ аҳамият берилади.

Ўқув фани сифатида давлат ва ҳуқуқ назарияси предметининг хусусиятларидан яна бири бу уни ўрганиш методларири.

Юриспруденцияни ўрганишнинг биринчи босқичида талабалар, айнан давлат ва ҳуқуқ назарияси фанини, унинг бирламчи маъносини ўрганишдан бошлаб, барча юридик билимлар мажмуи, уларнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, маҳсус юридик категорияларни ўзлаштириб оладилар. Уларни ўзлаштирмасдан давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларини ўрганиш мумкин эмас. Давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳуқуқшунослик фанлари тизимида фундаментал характер касб этиб, энг муҳим ва умумий ҳуқуқий тушунчаларни ўз ичига олади (давлат, давлат шакли, давлат механизми, давлат функциялари, демократия, ҳуқуқ, ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ шакллари, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқнинг амал қилиши, ҳуқуқбузарлик, юридик жавобгарлик ва бошқ).

Давлат ҳуқуқ ҳодисалари бир-бири билан мустаҳкам алоқада бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва муайян тизим ҳосил қиласди. Талаба алоҳида олинган ҳодисани унинг тизимдаги ўрнини, бошқа ҳодисалар билан алоқасини аниқлагачгина, унинг мазмuni тўғрисида тўла тушунчага эга бўлади. Масалан, бошқарув шакллари, давлат тузилиш шакллари ва сиёсий режим ўртасидаги ўзаро муносабатни таҳлил қилиш орқали, давлат шаклларининг хусусиятларини очиб бериш мумкин.

Курс материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг фалсафа, мантиқ, сиёсатшунослик, тарих, социология, маданиятшунослик ва бошқа умумижтимоий фанлар доирасида олган назарий билимлари таянч аҳамиятга эга бўлади. Юқоридаги фанларга оид ўқув адабиётларидағи қўпгина тушунчалар ва категориялар универсал характерга эга бўлиб, улар давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида кенг қўлланилади (моҳият, шакл, индивид, жамият, муносабат, базис, устқурма, онг ва бошқ). Назарий масалаларни ўзлаштиришда давлат ва ҳуқуқ тарихи фанидаги маълумотларга мурожаат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга (Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар давлат ва ҳуқуқ тарихи). Тарихий манбалар ва маълумотлар давлат-ҳуқуқ ҳодисаларининг ривожланиш диалектикаси, уларнинг моҳияти ва қонуниятларини тушуниш ва ўрганишга катта ёрдам беради.

Ҳар қандай назария муайян ижтимоий амалиётни ўзида акс эттиради ва унинг эҳтиёжларига бўйсундирилган бўлади. Шу нуқтаи назардан, замонавий жамият давлат ҳуқуқий ҳаётига оид юридик амалиёт материалларидан фойдаланиш айниқса муҳимдир. Шу билан

бирга, давлат ва ҳуқуқ назариясини ўрганиш доирасида турли норматив-ҳуқуқий актларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа норматив – ҳуқуқий хужжатлар). Аниқ ҳуқуқий материални таҳлил қилмасдан туриб, юридик нормалар тузилиши, юридик техника, ҳуқуқий тартибга солишининг методи ва предмети, ҳуқуқ тармоқлари, юридик тамойиллар, ҳуқуқий нормалар ва бошқа тушунчалар ҳақида объектив тасаввур ҳосил қилиш қийин. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигига мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган демократик жамиятни шакллантиришнинг “ўзбек модели” яратилди. Бу моделнинг йўналишлари ва ғоявий асослари Президент И.А.Каримов асарларида белгилаб берилди. Шу сабабдан, талабаларни давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг Ўзбекистон ҳаётида намоён бўлиши билан боғлиқ қонуниятларини ўрганишларида Президент И.А.Каримов асарларига мурожаат қилишлари муҳим аҳамиятга эга бўлади .

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани бўйича ўкув жараёни маъруза, амалий машғулотлар, мустақил иш, курс иши ва якуний имтиҳонни ўз ичига олади. **Маъруза машғулотларини** ўтишда ўқитувчи мавзунинг асосий тушунчаларини ва у билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий муаммоларни ифода этади ва тушунтириб беради. Талабалар дарс жараёнида маърузани диққат билан эшитишлари ва унинг асосий мазмунини ёзиб олишлари лозим бўлади. Ҳозирги пайтда маъруза машғулотларининг аҳамияти муайян масалалар юзасидан ўкув адабиётларида турли хил маълумот ва фикрларнинг мавжудлиги туфайли айниқса ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, умумий услубий базага асосланган, ечилмас ички қарама-қаршиликлар бўлмаган маъруза курсини ўзлаштириш зарурӣ аҳамият касб этади. Талабаларда дастлабки ҳуқуқий дунёқараш ҳали шаклланиб улгурмаган пайтда, маъруза жараёнида уларга қайси фикрларни асосий деб ҳисоблаш кераклигини ўргатиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув дастурининг асосий мавзулари ва бўлимларини ўрганиш **семинар машғулотларини** ўтказиш билан якунланади. Семинар машғулотлари ўқитувчи раҳбарлигига амалга ошириладиган машғулот бўлиб, унда ўқув дастурида кўрсатилган масалалар батафсил ўрганилади ва кўриб чиқилади. Семинар машғулотлари

қуидаги шаклларда: экспресс сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, дебат, давра сұхбатларини, коллоквиумлар ўтказиш; талабаларнинг реферат, ахборот, маъруза билан чиқиш, ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзма шаклда ифода этиш орқали амалга оширилади. Семинар машғулотлари ўқитувчига талабаларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш ва назорат қилиш имконини беради. Семинар машғулотлари жараёнида талабалар мустақил таълим ва маъруза эшлиши орқали олган билимларини мустаҳкамлайдилар. Уларда давлат-ҳуқуқий муаммоларига оид маърузалар ва ахборотларни тайёрлаш, омма орасида маърузалар билан чиқиш, мунозараларга кириша олиш, илгари сураётган фикрини асослаш ва ҳимоя қила олиш кўникмалари шаклланади. Семинар машғулотларига тайёрланиш жараёнида талаба, биринчи навбатда, маъруза материалларидан фойдаланиши лозим. Бироқ шу билан чегараланиб қолмаслик керак, чунки одатда маърузалар кичик ҳажмда бўлади. Шу билан бирга маърузалар мазмун жиҳатдан талабалар учун методологик рол ўйнаши ва уларнинг қайси йўналишда иш олиб боришлари кераклигини кўрсатиб туриши керак. Маърузачи ва амалий машғулотлар ўқитувчиси томонидан тавсия этилган ўқув ва илмий адабиётлар мавзуга оид масалаларни кенг қамровли ва чуқур ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Дарсликларда турли масалалар турлича ёритилганлиги сабабли, талабаларда турли муаллифларнинг дарслеклари бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тегишли мавзуларга оид монография ва илмий мақолаларнинг кенг доирасини ўрганиш ҳам талабаларда илмий адабиётлар билан ишлаш кўникмасини шакллантиради.

Бутун семестр давомида амалий машғулотларга тайёргарлик кўриб бориш имтиҳонни муваффақиятли топширишнинг гаровидир. Имтиҳонда маъруза материаллари ва дарслеклардаги фикрларни айнан такрорлаб айтиб бериш талаб этилмайди. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам берилган саволларга жавоб бериш учун талаба атамалардан эркин фойдаланиши, давлат ва ҳуқуқ тизимиға алоқадор қонуниятларни тушунтириб бера олиши керак. Талаба амалий машғулот ва имтиҳонларда жавобларни ҳуқуқий-сиёсий воқелик билан боғлаб тушунтириб бера олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанини чуқур ўрганишда мустақил ишнинг ҳам ўрни катта.

Мустақил иш – талаба томонидан ўқув курсининг муайян мавзуларини чуқурроқ ўрганишга қаратилган таълим шакли бўлиб, у

ўз ичига: маъруза материали, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, дастлабки манбаларни ўрганишни; семинар машғулотларига маърузалар ва ахборотлар тайёрлашни; рефератлар ёзишни; ўқитувчининг қўшимча топшириқларини бажаришни қамраб олади.

Мустақил ишни амалга оширишнинг услубиёти талабаларга ўқитувчи томонидан уларнинг ҳар бирини индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгиланади.

Мустақил ишни амалга ошириш вақти ва жойи (институт ўқув хонаси, кутубхона, талабалар тураг жойи ва б.) ўқитувчи билан келишилган ҳолда талаба томонидан танланади.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани бўйича мустақил ишнинг энг самарали усулларидан бири бу талабалар томонидан **реферат тайёрлашдир**. Реферат (лотинчадан “хабар қилмоқ”) муайян мавзу бўйича ёзма шаклда тайёрланган маъруза бўлиб, у ўз ичига муайян мавзу бўйича тегишли адабиёт ва бошқа манбаларни кўриб чиқиш ёки бирор китоб, мақола, тадқиқотнинг мазмунини баён қилишни қамраб олади.

Реферат фанни ўрганиш жараёнида қўлланилиб, у ўз олдига талабаларнинг зарур касбий тайёргарликка эга бўлиши ва илмий изланиш қўникмаларини ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди. Бунда талаба танланган мавзу бўйича адабиётларни ўрганиш, турли манба ва фикрларни таҳлил қилиш, материалларни умумлаштириш, уларнинг ичидан асосийсини ажратиб олиш ва хуносалар чиқариш қўникмасига эга бўлади. Талабалар рефератни тайёрлаш жараёнида давлат ва ҳуқуқ назарияси курсининг мураккаб муаммоларини таҳлил қилиш, ўз фикрларини қисқа ва аниқ билдириш, ишни тўғри расмийлаштириш ва иш натижаларини баён қилишни ўрганадилар. Шу билан бирга, реферат тайёрлаш бўлғуси мутахассисда ҳуқуқий маданиятнинг шаклланишига, юридик билимларнинг мустаҳкамланишига, ҳозирги даврнинг турли туман ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларини мустақил таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиришга, давлат ва ҳуқуқ масалалари бўйича илмий асосланган баҳс мунозаралар олиб боришга имкон беради.

Реферат ёзиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мавзу танлаш;
- адабиётлар ва бошқа манбаларни топиш, ўрганиш ва уларни таҳлил этиш;
- режа тузиш;
- иш матнини ёзиш ва расмийлаштириш;

- рефератнинг қисқа баёнини семинар машғулотида ёки индивидуал тартибда ўқитувчига ифода этиб бериш.

Реферат “Давлат ва хукуқ назарияси” фанининг энг долзарб мавзулари бўйича ёзилади. Рефератда илмий материалларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида муаллифнинг турли қарашлари таққосланади ва тегишли далилларни келтириш орқали мавзу моҳиятига нисбатан талабанинг шахсий муносабати аниқланади.

Реферат мавзулари давлат ва хукуқ назариясининг муаммоли ва мунозарали масалаларини қамраб олган бўлиши керак. Реферат мавзулари рўйхати кафедрада тузилиб, талаба ўз хоҳишига кўра мавзуни танлайди, шунингдек илмий раҳбар билан келишган ҳолда ўз мавзусини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Реферат ёзиш ишини танланган мавзуга оид маълумотларни дарслик ва маъруза матнларининг тегишли бўлимини ўқиб чиқишдан бошлаш керак. Мавзу ҳақида умуний тасаввур ҳосил бўлгач, талаба ўқитувчи томонидан тавсия этилган илмий ва бошқа манбаларни ўрганиб чиқиши лозим. Лекин талаба мавзу бўйича тавсия этилган манбалар рўйхати билан чегараланиб қолмаслиги, фанга оид библиографияни ўрганиш натижасида мустақил танланган ишлардан фойдаланиши ҳам мумкин. Айниқса, танланган мавзу бўйича янги адабиётларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, шунингдек юридик журналлардаги мақолалардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиётларни ўрганиш жараёнида назарий ва амалий материалларни йиғиб тизимлаштириш ва керакли маълумотларни қайд қилиб бориш тавсия этилади.

Реферат режасини шундай тузиш керакки, у мавзунинг мазмунини тўлиқ очиб берсин. Реферат, қоида бўйича, танланган мавзунинг илмий амалий аҳамияти, долзарблиги кўрсатилган *кириши*, муаммонинг моҳияти ва уни ечиш йўллари ифода этилган *асосий қисм*, баҳолар ва таклифлар кўрсатилган *хуроса* қисмларидан иборат бўлади. Рефератда асосий дикқат-эътибор янги маълумотларга қаратилади, у ёки бу муаммо, китоб ва мақолаларга мурожаат этишнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

Материал баёни қисқа, аниқ ва изчил бўлиши керак. Фанга тааллуқли бўлмаган атамаларни қўллаш, мураккаб грамматик ифодалар, илмий муомалага кирмаган тушунча ва иборалардан фойдаланмаслик керак. Атамалар, алоҳида сўзлар ва сўз бирикмаларини воқеа баёнидан четга чиқмаган ҳолда маъноси

тушунарли бўлган умум қабул қилинган қисқартмалар билан алмаштиришга рухсат этилади. Рефератда ўрганилаётган муаммонинг асосий мазмунини очиб бериш ва реферат ҳажмининг қисқартириш учун схема ва жадваллардан фойдаланиш тавсия этилади. Рефератнинг ҳажми компьютер вариантда 15-25 бет, қўлёзма вариантда 25-30 бет бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Рефератнинг титул варагида олий ўқув юрти, факультет, кафедра номи, реферат мавзусининг тўлиқ номи, талабанинг исми-шарифи, шунингдек илмий раҳбарнинг исми-шарифи, илмий даражаси ва унвони кўрсатилиши керак.

Талаба рефератни тайёрлашда эътиборни уни расмийлаштиришга, бет остидаги ҳавола(сноска)ларни жойлаштиришга қаратиши керак. Ҳавола (сноска) тўлиқ бўлиши, яъни: муаллиф исми-шарифи, китоб номи, нашр этилган жой ва йил, ҳавола олинган бет кўрсатилиши шарт. Журналлар ёки тўпламлардан олинган мақолалардан фойдаланганда муаллиф исми-шарифи, мақола номи, журнал ёки мақолалар тўплами номи, нашр этилган йили ва номери кўрсатилади. Газетадаги мақолаларда нашр этилган йил ва номердан ташқари, у чоп этилган ой ва кун ҳам кўрсатилади.

Матн ва ҳаволалардаги хатолар реферат учун қўйиладиган баҳога салбий таъсир қиласди.

Талаба реферат мазмунини амалий машғулот жараёнида, тўгарак ва илмий конференцияларда ҳимоя қилиши мумкин. У олдиндан асосий тезисларни тайёрлаган ҳолда 7-10 минут давомида тадқиқот ишининг муҳим томонларини қисқа баён қилиши керак. Рефератни эркин баён қилиш тингловчиларнинг уни қабул қилишини осонлаштиради. Реферат билан боғлик маъruzадан кейин муаллиф саволларга жавоб беради, реферат матни билан олдиндан танишиб чиқсан оппонентлар унинг кучли ва кучсиз томонлари борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

Курс ишини ёзиш бўйича услубий кўрсатмалар

Курс иши талабаларнинг илмий адабиётлар ва норматив материалларни мустақил ўрганишининг муҳим шаклларидан биридир. Курс иши талабаларга ўз билимларини тўлдиришга, илмий ва ҳукукий ахборот оқимидан яхши хабардор бўлишга, ижтимоий ҳодиса ва жараёnlарни тўғри баҳолашга ёрдам беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани бўйича курс ишини бажариш талабаларда илмий адабиётлар, норматив материаллар (айниқса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларини), монографиялар мазмунини мантиқий таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қиласди, назарий қоидаларни тўғри тушунтириб бериш ва таърифлаб бериш қобилиятини шакллантиришга, ҳуқуқий терминологияни ўзлаштиришга ёрдам беради, шунингдек, амалий тавсия ва таклифларни билдириш имконияти ва муайян масала бўйича мустақил хулоса қилишга имкон туғдиради. Бу бўлажак юрист учун муҳим аҳамият касб этади. Таълим олишнинг бу шакли олий ўқув юрти дастурини чуқур ва мустаҳкам эгаллашга йўналтирилган.

Бундан ташқари, курс иши ўқитувчилар томонидан талабалар билимини назорат қилиш шаклларидан бири бўлиб, бу талабаларнинг мустақил ишлаши қай даражада муваффақиятли эканини ва уларнинг ўрганилаётган предметга нисбатан муносабатини аниқлашга имкон беради.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича курс иши талаба учун биринчи илмий тадқиқот тажрибаси ҳисобланиб, у кетма-кет келувчи босқичлардан иборат режалаштирилган иш жараёнидир. Курс иши ёзишнинг бутун жараёнини шартли равишда қўйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

- 1) мавзуни танлаш, илмий раҳбардан (ўқитувчидан) маслаҳат олиш ва ишнинг дастлабки режасини тузиш;
- 2) тадқиқот мавзусига доир илмий маълумот йиғиш ва адабиётларни ўрганиш;
- 3) масаланинг таркибий қисмлари таҳлили, мавзу баёни;
- 4) курс ишини расмийлаштириш, кафедрада рўйхатдан ўтказиш ва уни тақриз учун тақдим этиш;
- 5) тақриз билан ишлаш ва кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш;
- 6) курс ишини ҳимоя қилиш.

Курс иши мавзусини танлаш. Талабалар кафедрада мавжуд курс ишларининг намунавий мавзулар рўйхатини диққат билан кўриб чиқиб, ўзларига маъқул мавзуни танлашлари ва бу ҳақда кафедра журналига кайд эттиришлари лозим. Шунингдек, талабалар илмий раҳбар билан келишган ҳолда ўз тадқиқот мавзуларини ҳам таклиф этишлари мумкин.

Мавзуни танлаш талабада давлат ва ҳуқуқ назарияси ва бошқа фанлар бўйича йиғилган билимлар билан белгиланади. Ушбу ҳолда хатога йўл қўйилиши мумкин, чунки бир қараашдан анча осон кўринган мавзу, уни тадқиқ этиш ва ўрганиш жараёнида юқори даражадаги назарий билимларни талаб этишлиги маълум бўлади. Мавзуни танлашда амалий машғулотларни олиб борадиган ўқитувчи талабага услубий тушунтириш беради.

Албатта, курс ишининг барча мавзулари ҳам бир хил даражадаги қийинчиликка эга эмас. Лекин ҳар қандай мураккаб бўлиб кўринган мавзу бўйича ҳам тегишли манбалардан тўғри фойдаланган ҳолда ва улардаги фикрларни малакали таҳлил қилиш орқали муваффақиятли курс иши ёзиш мумкин. Курс иши мавзусининг мазмунига оид бирор бир масала талабага тушунарсиз бўлиб қолмаслиги ва бундай ҳолатда масаланинг ечими мустақил ёки илмий раҳбар ёрдами билан аниқлаштирилиши лозим.

Талаба курс ишига жиддий муносабатда бўлиши, вақтни тўғри тақсимлай олиши, шошилмасдан, режали, тизимли асосда ишлаб, унинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаши керак.

Курс иши режасини тузиш. Курс ишида режанинг мавжудлиги унда фақат шу мавзуга оид масалаларни ёритишга имкон беради ҳамда материалларни баён қилишда кетма-кетликни, аниқликни ва тақрорлашларга йўл қўймасликни, мустақил ишни илмий ташкил этишни таъминлайди.

Курс ишининг намунавий мавзулар рўйхати кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва уни ёзиш бўйича тегишли услубий кўрсатмалар тайёрланади. Мавзуни танлаш ва режани тузиш бир пайтда бўлмаслиги керак. Талаба дастлаб дарсликларнинг тегишли бўлимлари билан танишиб чиқиши, мавзунинг мазмунини тушуниши ва унинг давлат ва ҳуқуқ назарияси курсидаги ўрни ва ролини аниқлаши лозим.

Иш режаси илмий раҳбар билан келишган ҳолда белгиланади. Талаба намунавий режалардан фойдаланган ҳолда унга ўзгартиришлар киритиши ёки ўз режасини таклиф қилиши ҳам мумкин. Кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар доирасини аниқ белгилаб олиш учун ҳар бир бўлимни кичик-кичик саволларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Шуни эслатиб ўтиш керакки, иш режасини кўп саволлардан иборат тарзда тузиш тўғри бўлмайди. Нотўғри тузилган режанинг биринчи белгиси - бутун мавзу номининг бир савол тарзида қайта тақрорланишидир. Ҳар бир савол фақат шу қисмга тааллуқли

масалаларни ёритиши лозим. Режа тузгач, уни илмий раҳбарга кўрсатиши керак бўлади.

Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, библиографияни тайёрлаш, адабиёт ва норматив материалларни ўрганиш. Курс ишининг муваффақиятли бажарилиши асосида мавзуга оид илмий маълумотларни йиғиш ётади. Одатда, фан бўйича ўқув дастурларида олий ўқув юрти кутубхонасида мавжуд бўлган асосий манбалар тавсия этилган бўлади. Манбалар доирасини кенгайтириш учун бошқа кутубхоналар имкониятларидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тегишли маълумотларни монографик адабиётлар ва турли журналлардан фойдали маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, “Тошкент Давлат юридик институтининг Ахборотномаси”, “Хукуқ ва бурч”, “Фуқаролик жамияти”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” каби мамлакатимизда чоп этиладиган журналлар билан бир қаторда, МДҲ давлатларида нашр этиладиган юридик журналлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхатини тузиш ва танлаш учун олий ўқув юрти кутубхонасининг каталоги билан батафсил танишиб чиқиш керак. Адабиётлар билан ишлашда уларнинг курс иши мавзусига бевосита тегишлилигига, мавзуни очиш учун адабиётларнинг етарли даражада тўпланишига ва адабиётларнинг янгилигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати энг муҳим монографик ишлар, ўқув қўлланмалар, норматив материаллар ва журнал мақолаларини ўз ичига олган бўлиши керак. Танланган адабиётлар бўйича илмий раҳбар билан маслаҳатлашгач, талаба зарур адабиётларни чуқур ўрганишга киришиши мумкин.

Йиғилган материаллар таҳлили ва мавзу баёни. Тегишли адабиётлар танлаб олингач, курс ишини тайёрлаш жараёнидаги энг муҳим ва масъул босқич бошланади яъни бунда тегишли манбалар ўрганиб чиқилади ва уларнинг мазмуни қисқача ёзиб олинади.

Ўрганилаётган масала ҳакида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун тегишли маъруза ёки дарсликнинг бўлимини ўқишдан тайёргарликни бошлаш керак. Монографик адабиётлардан кўчирма қилишдан олдин, уларни тўлиқ ўқиб чиқиш, муаллифнинг асосий фикрини тушуниб олиш, ўзидаги мавжуд иш режаси билан солиштириш, муҳим

жойларини белгилаб қўйиш, кейин эса асосий ва иш учун аҳамиятли қоидаларни баён қилишга киришиш мумкин.

Кафедра томонидан курс ишини ёзиш учун тавсия этилган манбалар рўйхати одатда, танланган мавзу бўйича турли фикрлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган бўлади, шу сабабли ҳам бир ёки бир неча муаллифнинг асарларида (айниқса илмий раҳбар) ҳаволаларни келтириш билан диққатни четга тортиш керак эмас. Бунда эътиборни кўпроқ давлат ва хукуқ ҳодисаларига оид янги қарашларни ўзида акс эттирган журнал мақолаларини ўрганишга қаратиш керак. Олдинги давр адабиётларидан фойдаланиш турли муаллифларнинг муайян масала юзасидан турли позицияларини танқидий фикрлаш қўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида тавсия этилади.

Бунда собиқ Шўро иттифоқи даврида чоп этилган адабиётлардаги давлат ва хукуқ ҳодисаларига оид қўп масалалар ва категориялар мафкуравий нуқтаи назардан ишлаб чиқилганлиги ва сиёсий, мафкуравий конъюнктура билан боғлиқлигини эсдан чиқармаслик лозим. Турли мулоҳазаларни қиёслаш илмий иш бажаришнинг муқаррар шартидир.

Шундай қилиб, курс ишини тайёрлаш жараёнида йиғилган илмий маълумотлар кўйилган масалага оид турли қарашларни, яъни илмий мунозаранинг муҳим элементларини акс эттириши керак. Маълумот йиғиша бадиий, публицистик адабиётлардан мисоллар келтиришга аҳамият бермаслик мумкин эмас. Булардан фойдаланиш талабанинг нафақат чуқур билимга ва берилган масалага қизиқишига, балки кенг дунёқарашга эга эканлигидан ҳам далолат беради.

Курс ишида фойдаланиладиган манбалар тизимида норматив материалларнинг алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Курс ишини тайёрлаш жараёнида талаба норматив актлар билан ишлаш қобилиятини кўрсатиши керак. Бунда талаба халқаро ҳуқуқий хужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар, қонуности ҳужжатларига таянган ҳолда илмий фикрларини асослаши керак. Курс ишида қонунчиликка келтирилган ҳаволалар аниқ бўлиши ва актнинг тўлиқ номи, қабул қилинган санаси, қабул қилган органнинг номи кўрсатилган бўлиши лозим.

Мавзу баёни муайян доирада бўлиши керак. Бунда, биринчидан, категориал аппарат аниқланади ва таҳлил жараёнида шунга таянилади, тадқиқот предмети аниқ ва равshan баён этилади. Масалан, сиёсий тизимда давлатнинг ўрни ва ролини кўриб чиқишида “сиёсий

тизим” тушунчасига таъриф бериш лозим. Иккинчидан, масаланинг мазмуни ёритилиб, ўрганилаётган масаланинг назарий қоидалар ва категориялар тизимидағи ўрни ва моҳияти кўрсатилади. Учинчидан, курс ишида назарий қоидаларни сиёсий реаллик ва юридик амалиётдан мисоллар билан боғлаш муҳимдир.

Йиғилган материалларни қайта ишлаш: курс иши ёзишнинг хомаки жараёни бўлиб, бошқача айтганда, уни тузиш, тизимлаштириш, унинг турли қисмларини таққослаш билан боғлиқ бўлиб, бунда ҳар бир масаланинг таркибий чегаралари ва ишнинг бутун моҳияти аниқлаштирилади.

Курс иши муайян мазмун ва шаклга эга бўлади. Унинг тузилиши асосан, *кириши*, *асосий* қисмни ўз ичига олган 3 ёки 4 та *параграф* ва *хулоса* қисмларидан иборат бўлади.

Киришда муаллиф танланган мавзунинг долзарблигини асослайди, мавзунинг ўрганилганлик даражасини қисқа таҳлил қиласи (тадқиқотда фойдаланилган манбаларга умумий баҳо беради), тадқиқот мақсади ва вазифалари, уни ўтказиш методикасини белгилайди.

Асосий қисм ўз ичига тадқиқотнинг мақсадига мос ҳолда, мавзунинг барча масалаларини қамраб олган бўлиши керак. Бир тадқиқот доирасида икки ёки ундан кўпроқ мавзуларни бирлаштириб ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан: ҳукуқбузарлик ва юридик жавобгарлик, ҳукукий муносабатлар ва ҳукуқнинг амал қилиши, ҳукуқбузарлик ва ҳукукий хулқ-атвор ва бошқалар. Муайян мавзудаги тадқиқот унинг турли масалалари бўйича хилма-хил фикрларни таҳлил қилишни талаб этади. Шу сабабли ҳам муаллиф ўзи афзал деб ҳисоблаган нуқтаи назарни асослаши керак. Тадқиқотни бажариш жараёнида, ҳар бир тушунча у ёки бу давлат-ҳукуқ ҳодисаларининг асосий ва зарурий белгиларини ўз ичига олган бўлиши лозим. Амалиёт материалларидан фойдаланиш тадқиқот мазмунини янада бойитади. Булар: шартномалар нусхалари, суд қарорлари, тарихий-ҳукукий манбалар, норматив-ҳукукий актлардан ҳаволалар ва статистик маълумотлар бўлиши мумкин. Ушбу материалларни нафақат иловалар тарзида бериш, балки тадқиқотнинг ўзида уларга таянган ҳолда фикрларнинг исботи сифатида келтириш ҳам фойдалидир.

Хулоса курс иши бўйича олиб борилган тадқиқот ишининг якуни бўлиб, унда мавзу обьекти бўйича умумий хулосалар ва муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим. Шунингдек, талаба

хулосада ўзининг таклиф ва тавсияларини қисқача кўринишда кўрсатиб ўтиши керак.

Курс иши мустақил тадқиқот иши бўлгани учун, у талабанинг ўз сўзлари билан ёзилган ҳамда унинг фикр ва мулоҳазаларини ўз ичига олган бўлиши керак. Манбалардан фикрларни керакли далиллар ва ҳаволаларсиз ёзиш кўчирмачилик ҳисобланиб, бу ҳолат ишнинг “қониқарсиз” баҳоланишига сабаб бўлади.

Курс ишини расмийлаштириш ўз ичига титул варафи, режа, фойдаланилган манбаларга ҳаволалар, библиография, вараклар параметрларини ўрнатиш кабиларни олади.

Титул варафи муқовада жойлаштирилиб, унда олий ўқув юрти, факультет, мавзу номи ва муаллиф исми шарифи, ўқув гурухи номери, илмий раҳбарнинг илмий унвони ёки даражаси, лавозими, исми-шарифи кўрсатилган бўлади (Қаранг: илова №1).

Иккинчи бетда иш режаси жойлаштирилиб, унда бўлим ва параграфларнинг бошланиш бетлари кўрсатилади (Қаранг: илова №2).

Ишнинг ҳар бир варағига (титул варағидан ташқари) номер қўйилади. Режада кўрсатилган ҳар бир масала янги бетдан бошланади ва унда ҳар бир қисм матни режа билан мос ҳолда тартиб рақами ва номи кўрсатилади.

Ишнинг компьютерда бажарилиши маъқулдир. Компьютер вариантда (шрифт – 14; ҳошия: юқоридан – 2 см., пастдан – 2 см., ўнгдан – 1,5 см., чапдан – 3 см.; интервал – 1,5) иш ҳажми илова ва адабиётлар рўйхатини ҳисобга олмагандан 20-25 бетдан иборат бўлиши керак. Истисно тарзида курс ишини қўлёзма шаклида тайёрлашга йўл қўйилади. Бундай ҳолатда иш чиройли хусниҳат билан 30-40 варақ ҳажмида ёзилиши керак.

Ишда манбалардан сўзма-сўз ёки унинг матнига яқин далиллар келтирилса, фойдаланилган адабиётлардан қайси бирига таянилганлиги кўрсатилади. Ҳавола (саҳифа остидаги изоҳ тарзидаги ёзув) ҳар бир бет бўйича жойлаштирилиб, алоҳида ёки кетма-кет номер қўйиш мумкин. Ҳавола манбалари библиография қоидалари бўйича ёзилади.

Библиография фойдаланилган адабиётларнинг қуидаги тартибидан иборат: 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асалари; 2) норматив-хукуқий ҳужжатлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Конституциявий қонунлар, қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, фармойиш ва

қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирлик ва турли идоралар норматив-хуқуқий актлари, ўз-ўзини бошқариш органлари норматив-хуқуқий ҳужжатлари, норматив-хуқуқий актлар шарҳи (Конституциявий Суд, Олий Суд, Олий хўжалик Суди қарорлари); 3) асосий адабиётлар (китоблар, шунингдек, монография, дарсликлар); 4) қўшимча адабиётлар (даврий нашрлар, диссертациялар авторефератлари); 5) web сайtlар. (бир хил даражадаги хуқуқий манбалар фойдаланилганда улар хронологик кетма-кетлика жойлаштирилади. Барча қолган манбалар алфавит бўйича келтирилиб, бир муаллифнинг асарлари хронологик тартибда келтирилади) (Қаранг: илова №3).

Охирида курс иши имзоланиб, тугатилган санаси кўрсатилади ва кафедрага такриз учун топширилади. Курс ишини ҳимоя қилиш муддати тегишли деканат томонидан белгиланади.

Илмий раҳбар (такризчи) курс ишини ҳимоя қилишга рухsat бериши ёки бермаслиги мумкин. Биринчи ҳолатда, талаба, ишда кўрсатилган барча мулоҳазаларни ҳисобга олиши ва қўйилган саволлар бўйича ҳимояга жавобларни тайёрлаши, керакли далилларни топиши зарур. Иккинчи ҳолатда, иш қайта ишлаш учун қайтарилади ва кўрсатилган барча камчиликлар бартараф қилингандан кейин ҳимояга рухsat берилади.

Курс иши учун баҳо қўйидаги мезонлардан келиб чиқиб белгиланади:

- мавзунинг ишланганлик даражаси;
- маҳсус адабиётлар, норматив материаллар ва амалиёт мисолларидан фойдаланганлик даражаси;
- курс ишини ёзишга ижодий ёндашувнинг мавжудлиги;
- хуросаларнинг тўғрилиги ва илмий асосланганлиги;
- матнни баён этиш усулининг талабга жавоб бериши;
- курс ишини расмийлаштиришнинг белгиланган талабларга мослиги.

Юқоридаги талаблар билан бирга баҳо ишнинг бажарилиш сифати ва ҳимоя натижаларини ҳисобга олган ҳолда қўйилади.

Ўқитувчи курс ишини 100 баллик тизим асосида баҳолайди ва тегишли баҳони талабанинг синов дафтарчасига ёзиб қўяди. Курс ишини тайёрламаган, топширмаган ёки ҳимояда қониқарсиз баҳоланган талабалар курсдан курсга ўтказилмайди ва талабалар сафидан чиқарилади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси ўқув фанини ўрганиш манбалари

Давлат ва ҳуқуқ назарияси курсини ўрганишда ўқув адабиётлари сифатида охирги ўн беш йилда чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш тавсия этилади. Олдинги давр адабиётларидан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин давлат ва ҳуқуқ масалаларини кўриб чиқишида уларнинг мафкуравий йўналтирилганлигини хисобга олиш керак. Ўқув адабиётларидан фойдаланишда, авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмаларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир.

Курсни ўрганишда давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва МДҲнинг таниқли ҳуқуқшунос олимлари асарларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга (А.А.Аъзамхўжаев, Ш.З.Ўразаев, А.А.Азизхўжаев, З.М.Исломов, Ҳ.Б.Бобоев, М.М.Файзиев, А.Х.Сайдов, Ҳ.Т.Одилқориев, У.Тожихонов, Э.Ҳ.Халилов, С.С.Алексеев, В.В.Лазарев, В.Г.Нерсесянц, Э.П.Григонис, А.Протасов, М.Н.Марченко, Н.И.Матузов, А.В.Малько, В.М.Корельский, В.Д.Перевалов ва бошқалар). Шу билан бирга, “Тошкент Давлат юридик институти Ахборотномаси”, “Ҳуқуқ ва бурч”, “Фуқаролик жамияти”, “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” каби мамлакатимизда чоп этиладиган журналлар билан бир қаторда МДҲ давлатларида нашр этиладиган юридик журналлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Олдин айтиб ўтилганидек, турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиб, ўрганиб бориш талаба учун муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий актларнинг расмий нашрлари “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари тўплами каби манбалар ҳам талабаларнинг назарий билимлар билан бирга амалиётда қўлланилаётган ҳуқуқий актлар тўғрисидаги дунёқарашини шакллантиради ва уларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишларида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хозирги вақтда ахборот олишнинг муҳим манбаи электрон ахборот тизимлари ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистонда «Norma», «Pravo» каби ҳуқуқий маълумотлар тизими мавжуд ва уларда жорий қонунчиликка оид барча норматив-ҳуқуқий актлар ўрин олган бўлиб, улар нафақат мутахассислар, балки оддий фуқаролар учун ҳам

қулайлик туғдиради. «Norma» ҳуқуқий маълумотлар тизими 2000 йил январда ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги пайтгача тизимда ўзбек ва рус тилларида 60 дан ортиқ мавзудаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, қонуности ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар жойлаштирилган. Ҳар ҳафта «Norma» тизимига 100 дан ортиқ янги ҳужжатлар киритилади. Бу тизимдан фойдаланувчилар ҳафталик янги ҳужжатлар базасини электрон почта орқали ҳам олишлари мумкин.

Ўзида матбуот, радио ва телевидениянинг хусусиятлари ҳамда имкониятларини мужассамлаштирган ва ахборотни тезкор етказиб бериш даражаси бўйича энг мукаммал оммавий ахборот воситаси бўлган Интернетнинг ҳуқуқшуносликка оид сайтлари орқали ҳам талабалар “давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанига оид маълумотларни олишлари мумкин.

Талабаларнинг давлат ва ҳуқуқ назарияси ўқув курсини муваффақиятли ўзлаштиришлари учун тегишли ўқув ва илмий манбаларни тўғри ва етарли миқдорда тўплашлари катта аҳамиятга эга. Бундай манбаларни йиғиш жараёнида талабалар олий таълим муассасаси кутубхонасидаги манбалар (китоблар) билан чекланиб қолмасдан бошқа ҳар хил кутубхоналарга ҳам мурожаат қиласалар мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан: А.Навоий номидаги Давлат кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фундаментал кутубхонаси ва б.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани бўйича имтиҳонлар ва назорат ишларини қабул қилиш шуни кўрсатмоқдаки, айрим талабалар муайян мавзу ва масалаларни етарлича ўзлаштира олмаяптилар (давлат ва ҳуқуқ назарияси методологияси, давлатнинг моҳияти ва ижтимоий қиммати, давлат аппаратини ташкил этиш тамойиллари, сиёсий(давлат) режим, давлат типологияси (цивилизацион ёндашув), демократия, ҳуқуқ тамойиллари, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик техника, «ҳуқуқбузарлик белгилари» ва «ҳуқуқбузарлик таркиби» категорияларидаги фарқ, юридик жавобгарлик ва давлат мажбурловининг бошқа чоралари ва бошқалар).

Талабаларнинг ҳуқуқшуносликнинг умумназарий ва фундаментал масалалари юзасидан чуқур ва мустаҳкам билимларга эга бўлишлари учун тегишли манбалардан унумли фойдаланишлари мухим аҳамиятга зга.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанининг тузилиши

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” ўқув курсининг тузилиши давлат таълим стандартларига мос бўлиб, у ўз ичига бир қатор бўлимларни қамраб олган. Кириш бўлимида “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанининг предмети ва методи; “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанининг ижтимоий ва юридик фанлар тизимидағи ўрни каби масалалар кўриб чиқилади.

Иккинчи бўлимида: жамият, унинг давлат ва ҳуқуқ билан ўзаро муносабати; ибтидоий жамият ва унинг институтлари ҳамда норматив тизими; давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиш тўғрисидаги асосий назарияларга тавсиф берилади.

Давлат назарияси бўлимида: давлат тушунчаси, мохияти, белгилари, давлатнинг мохиятини тушуниш бўйича турлича ёндашувлар, давлат функциялари, давлат типлари, давлат шакллари, давлат механизми каби масалалар ўрганилади.

Ҳуқуқ назарияси бўлимида: ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқ; ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият; ҳуқуқ ижодкорлиги; ҳуқуқ нормалари; ҳуқуқ шакллари (манбалари); ҳуқуқий муносабатлар; ҳуқуқ тизими; ҳуқуқни амалга ошириш; ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш; юридик амалиёт; ҳукуқбузарлик ва юридик жавобгарлик; ҳуқуқий тартибга солиш механизми; қонунийлик ва ҳуқуқийтартибот; ҳуқуқий тизимлар ва оиласлар; фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат каби масалалар кўриб чиқилади.

“Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани кундузги факультет талабаларига 1 курснинг 1 ва 2 семестрларида ўтилади. Семестрларнинг ҳар бирида талабалар ушбу фандан жорий, оралиқ ва якуний назорат топширадилар ва фан бўйича курс иши ҳимоя қиладилар. Олий юридик ўқув юртларининг бакалавриат йўналиши бўйича таълим олган талабалар мазкур фан бўйича Якуний Давлат Аттестациясидан ўтадилар.

ФАННИНГ ДАСТУРИ

1-мавзу. Давлат ва хуқуқ назарияси - умумназарий фан

Давлат ва хуқуқ назарияси предметининг ўзига хос хусусиятлари. Давлат ва хуқуқ назариясининг сиёсатшунослик, социология, иқтисодий назария, тарих, этнография ва бошқа гуманитар фанлар билан алоқаси. Давлат ва хуқуқ назарияси юридик фанлар тизимида. Давлат ва хуқуқ назарияси фанинг методлари. Давлат ва хуқуқ назариясининг функциялари. Ўкув фани сифатида давлат ва хуқуқ назариясининг тузилиши. Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабхаларини либераллаштириш, ислоҳ қилиш ва модернизациялашда давлат ва хуқуқ назарияси фанинг роли.

2-мавзу. Давлат ва хуқуқнинг келиб чиқиши

Жамият тушунчаси. Жамият мавжуд бўлиши шаклларининг хилма-хиллиги. Жамият ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Ибтидоий жамият: ижтимоий нормалар ва ижтимоий ҳокимият. Давлат жамият мавжуд бўлишининг бир шакли сифатида. Давлат ва хуқуқни вужудга келиши тўғрисидаги: диний, патриархал, ирригацион, зўрлик, ижтимоий – шартнома, психологик, тарихий-материалистик ва бошқа назариялар. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жамият, давлат ва хуқуқ масалалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ўзбек давлатчилиги тўғрисидаги ғоялар.

3-мавзу. Давлат тушунчаси, белгилари, моҳияти ва типлари

Давлат тушунчаси ва белгилари. Давлат моҳияти ва унинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги турли назариялар. Давлат ҳокимияти ижтимоий ҳокимиятнинг муҳим шакли сифатида. Давлат ҳокимиятининг белгилари. Давлат типологияси. Давлат типологияси муаммосига формацион ва цивилизацион ёндашув. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида замонавий давлатнинг моҳияти ва давлат ҳокимиятини либераллаштириш масалаларини очиб берилиши.

4-мавзу. Давлат функциялари

Давлат функциялари тушунчаси. Давлат функциясининг давлат мақсади ва вазифалари билан ўзаро нисбати. Давлат функцияларини таснифлаш. Давлат функцияларини амалга ошириш шакллари.

Давлат функцияларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлатни қуриш шароитида Ўзбекистон Республикаси функцияларининг ўзгариши ва янгиланиши.

5-мавзу. Давлатнинг шакллари

Давлатнинг шакллари тушунчаси ва унинг таркибий элементлари. Давлат шакларининг ривожланиши ва ўзгаришига таъсир этувчи омиллар. Давлат бошқарув шакллари: республика ва монархия. Давлатнинг тузилиш шакллари: унитар, федератив ва конфедератив. Сиёсий режим: тушунчаси ва турлари. Ўзбекистон Республикаси давлат шаклининг ўзига хос хусусиятлари.

6-мавзу. Давлат механизми

Давлат механизми: тушунчаси, таркибий қисмлари. Давлат механизмида ҳокимиятлар бўлиниши тамойили: назария ва амалиёт. Давлат аппарати тушунчаси. Давлат аппаратини ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш тамойиллари. Давлат органлари тизими: тушунчаси, таснифи. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикасида жамиятни янгилаш ва демократлаштириш шароитида давлат механизмини ислоҳ қилиш масалалари.

7-мавзу. Ижтимоий муносабатлар ва ҳуқуқ

Ижтимоий муносабатлар тушунчаси. Ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишнинг объектив зарурияти. Ижтимоий нормалар тизими: одат, диний, ахлоқ нормалари, жамоат ташкилотлари қоидалари ва бошқа ижтимоий нормалар.

Ижтимоий нормаларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятлари. Ҳуқуқ-ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солишнинг тури сифатида. Ҳуқуқ тушунчаси, моҳияти, белгилари ва принциплари. Ҳуқуқнинг функциялари. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақидаги назариялар: табиий-ҳуқуқ, норматив, психологик, тарихий-ҳуқуқ, синфий, ислом ҳуқуқ доктринаси. Ҳуқуқни тушунишга замонавий ёндашувлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ҳуқуқнинг ижтимоий моҳияти ҳақида.

8-мавзу.Хуқуқий онг ва хуқуқий маданият

Хуқуқий онг: тушунчаси, таркибий қисмлари. Хуқуқий онг – хуқуқни ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва амал қилиш омили сифатида. Хуқуқий психология ва хуқуқий мафкура. Хуқуқий онгнинг турлари ва даражалари. Хуқуқий онгнинг функциялари. Хуқуқий маданият: тушунчаси, тузилиши, даражалари. Хуқуқий тарбия – хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтиришнинг зарур шарти. Хуқуқий нигилизм ва хуқуқий идеализм. Хуқуқий нигилизмни бартараф қилиш муаммолари. Ўзбекистонда фуқаролар хуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда “Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастури”нинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида хуқуқий онг ва хуқуқий маданият масалалари.

9-мавзу.Хуқуқ нормалари

